Абдурахмонова Маҳфуза Олимовна,
Бухоро давлат педагогика институти 1-курс таянч докторанти

ЎҚУВЧИЛАРИГА ИНГЛИЗ ТИЛИДА ЎҚИШНИ ЎРГАТИШ МЕТОДИКАСИНИНГ ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ (5-6 СИНФЛАР МИСОЛИДА)

УЎК: 159.9
HTTPS://DOI.ORG/10.34920/SO/VOL_2024_ISSUE_12_5

АБДУРАХМОНОВА М.О. ЎҚУВЧИЛАРИГА ИНГЛИЗ ТИЛИДА ЎҚИШНИ ЎРГАТИШ МЕТОДИКАСИНИНГ ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ (5-6 СИНФЛАР МИСОЛИДА)

Ушбу мақолада умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларига инглиз тилида ўқишни ўргатишнинг педагогик-психологик хусусиятлари тўғрисидаги мулоҳазалар ёритилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: ўқитиш, методика, репродуктив нутқ, продуктив тил кўникмалари, ёзув, гапириш, педагогика, психология.

АБДУРАХМОНОВА М.О. ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ И ПСИХОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА МЕТОДИКИ ОБУЧЕНИЯ ЧТЕНИЮ НА АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКЕ (НА ПРИМЕРЕ 5-6 КЛАССОВ)

В данной статье рассматриваются педагогико-психологические особенности обучения чтению на родном языке школьников с общим средним образованием.

Ключевые слова и понятия: обучение, методика, репродуктивная речь, продуктивные языковые навыки, письмо, разговорная речь, педагогика, психология.

ABDURAKHMONOVA M.O. PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF THE METHODOLOGY FOR TEACHING STUDENTS TO READ IN ENGLISH (ON THE EXAMPLE OF GRADES 5-6)

This article covers considerations on the pedagogical-psychological features of teaching general secondary education schoolchildren to read in the language of yourselves.

Key words and concepts: teaching, methodology, reproductive speech, productive language skills, writing, speaking, pedagogy, psychlogia.

Кириш. Жаҳон лингводидактикасида таълим ва фан соҳасида халқаро ҳамкорлик муносабатларининг чуқурлашиши ўзаро мулоқот воситаси сифатида хорижий тилларни ўрганишга бўлган эҳтиёжни янада кучайтирмоқда. Бунда чет тиллар ўқитишнинг стратегик мақсади бўлган умумий ўрта таълим мактабларида тилни мукаммал ўргатиш, ундан мулоқот воситаси сифатида фойдалана олиш, нутқ фаолият турлари (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув)га оид кўникма ва малакаларни эгаллаш учун замин яратиш, нутқни ривожлантириш филогенези ва онтогенези соҳасида олиб борилган тадқиқотларни амалга ошириш ва таълим жараёнига татбиқ этиш долзарблик касб этади.

Республикамизда сўнгги йилларда инглиз тили ва бошқа хорижий тилларни чуқур ўқитиш, таълим жараёнига ахборот коммуникацион технологияларни жорий қилиш масаласига устувор аҳамият қаратилмоқда. «Замонавий ахборот коммуникация технологиялари ва чет тилларини чуқур ўзлаштирган кадрларни тайёрлашнинг юқори даражаси ва сифатини таъминлаш»каби муҳим вазифалар белгиланди. Хорижий тажрибалар асосида чет тил ўқитишни ташкил қилиш, ўқувчиларнинг нутқий компетенцияларини ривожлантиришнинг меъёрий асослари ва моддий техник базасини шакллантириш, уларнинг тинглаб тушуниш кўникмасини ривожлантиришнинг назарий ва амалий асосларини лингводидактик ва психолингвистик тамойилларда илмий тадқиқ этиш долзарблик касб этади.

Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сон Фармонлари, 2021 йил 19 майдаги "Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чоратадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-5117-сон Қарорида белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Мавзунинг долзарблиги ўқувчиларига инглиз тилида ўқишни ўргатиш методикасининг педагогик ва психологик хусусиятлари етарли даражада ўрганилмаганлиги билан белгиланди.

Мавзу бўйича илмий изланишларнинг қисқача таҳлили. Республикамизда инглиз тилини ўқитишнинг концептуал методологик асослари билан Ж.Жалолов[1], Т.К.Сатторов[2], Е.Т.Эркаев[3], Г.Т.Махкамова[4] каби етук олимлар шуғулланганлар. Жумладан, мактаб ўқувчиларининг лингвистик компетенциясини шакллантириш масалалари Рисқулова К [5], У.У.Жуманазаров[6], М.Ш.Рўзметова[7] сингари олимларнинг фундаментал тадқиқотларида ўз ифодасини топган.

Тадқиқотнинг мақсади ўқувчиларига инглиз тилида ўқишни ўргатиш методикасининг педагогик ва психологик хусусиятлари билан белгиланиб, амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти ўқувчиларига инглиз тилида ўқишни ўргатиш методикасининг педагогик ва психологик хусусиятлари ўрганиш жараёни.

Тадқиқотда тизимлилик, қиёсий мантиқий таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Мақоланинг илмий янгилиги шундан иборатки, ўқувчиларига инглиз тилида ўқишни ўргатиш методикасининг педагогик ва психологик хусусиятлари бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

---

[1] Jalolov J.J. Chet til o'qitish metodikasi. Chet tillar oliy o'quv yurtlari (fakultetlari) talabalari uchun darslik qayta ishlangan va to'ldirilgan 2 nashri. - Toshkent: O'quvchi, 2012. 432 b.

[2] Sattarov T. Bo'lajak ingliz tili o'qituvchisining uslubiy omilkorligini shakllantirish texnologiyasi. - T.: 2003. – 215 b

[3] Erkaev Ye.T. Bo'lajak chet til muallimi ta'limida qo'llanadigan tarjima mas'hqlarining lingvodidaktik tasnifi. ND – T.: 2008.

[4] Маҳкамова Г.Т. Концепция формирования межкультурной компетенции студентов английского языка. - Ташкент: Фан, 2010

[5] Risqulova K. Bo'lajak ingliz tili o'qituvchilari sotsiolingvistik kompetentligini shakllantirish tizimi. – DD. – T., 2017. – 9 b.

[6] Jumanazarov U.U. Ta'limni axborotlashtirish sharoitida bo'lajak ingliz tili o'qituvchilarining frazeologik kompetensiyasini rivojlantirish. Pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi. – T., 2019.

[7] Ro'zmetova M.S'h. Umumiy o'rta ta'lim 5-7 sinf o'quvchilariga ingliz tilini o'qitishda kompetensiyalarni rivojlantirish texnologiyalar. Pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) ilmiy darajasini olish uchun tayyorlangan DDI. – 231 b. .

Асосий қисм. Инглиз тилида ўқиш нутқ фаолияти турлари ўқиш кўз билан кўраётган ҳарф, ҳарф бирикмалари, сўзлар, гапларни овоз чиқариб, чиқармай ўқиш ва ўқиганнинг мазмунини тушуниш, ўқиб маълумот олишдир. Ўқиш ёзма нутқда берилган матндан маълумот олиш нутқ туридир. Ўқиш орқали ўқувчи, инглиз тилида гаплашиладиган мамлакатлар тили, маданияти, ҳаёти, тарихи, урф-одати билан танишади. Инглиз тилида ўқиш кўникмасини эгаллаш ўрта мактабда, лицейда инглиз тили ўқитишдан кутилган амалий мақсадлардан бири ҳисобланади. Ўқиш гапириш кўникмасини шакллантиришда муҳим восита хисобланади. Ўқилган матнларнинг мазмуни бўйича савол-жавоб машқларини бажариш, ҳикоя қилиб бериш, суҳбат ва муҳокамалар қилиши кўп машқларга асос бўлади. Ўқиш орқали гапириш учун маълумот, материал тўпланади. Уларни инглиз тилида гапиришга тайёрлайди. Овоз чиқариб ўқиш эса тўғри талаффузга ўргатишда ва янги тил материалини тушунишда муҳим босқич саналади. Бундан ташқари овоз чиқариб ўқиш овоз чиқармай ўқишнинг етук кўникмасини шакллантиришда ҳам муҳим восита ролини ўйнайди.

Кўриб қабул қилинадиган матнни тушуниш учун сўзларнинг ёзув тасвирларини, уларнинг товуш ҳаракат (мотор) образлари билан, товуш мотор образларни эса уларга мос келадиган товушлар билан мувофиқ келтириш керак. Ўқиш пайтида иккита асосий ўзаро боғликлик жараёнларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Босмадан чиқарилган ёки ёзилган матнни идрок қилиш
2. Ўқилган матнни англаш (тушуниш).

Кўрсатиб ўтилган иккала жараён бири иккинчисидан ажралмаган ҳолда бир вақтда ва ўзаро боғлиқ равишда намоён бўлади. Бошқа нутқ фаолияти турлари сингари, ўқиш учун ҳам антиципация (олдиндан билиш ёки сезиш) механизми айрим сўзларга, контекстга қараб сўзни тўғри фаҳмлаш, кейинги сўзлар, жумлаларни (гапларни) олдиндан кўра билиш, тушуна олиш кўникмасидир. Бошқача қилиб айтганда бу механизм тахминий олдиндан сезиш ёки олдиндан айтиб бериш деб аталиши мумкин. Ўқиш психологияси масалалари билан шуғулланувчи барча тадқиқотчилар антиципацияни шакллантириш ва ривожлантириш зарурлигини таъкидлайдилар. Ўқиш техникасини шакллантириш узоқ давом этадиган жараён бўлиб, у сифат жиҳатдан фарқ қиладиган қатор босқичларга бўлинади. Бу босқичлар товушни талаффуз қилишдан тортиб, матнни товуш чиқариб ўқишгача бўлган босқичларни ўз ичига олади. Бу босқичларни ҳар бир ўзига хос хусусиятлари ва уларни эгаллаш усуллари билан фарқ қилади. Ўқиш жараёни боришини тасвирлаганда психологлар матнни тушуниш босқичларини ажратадилар.

Масалан, А.Н.Соколов[1] тажрибаларининг натижаларига кўра, гапни тушуниш учта босқичдан ўтади: биринчи босқич — бутун гапнинг мазмуни ҳақида ўқувчида юзаки тасаввур ҳосил бўлади. Бу биринчи синтез деб аталади. Тушунишнинг иккинчи босқичи — аналитик босқич бўлиб, бу босқич ички ва ташқи нутқда тўла талаффуз қилиб айтиш билан боғлиқдир. Охирги, учинчи босқич жумла (гап)ни тўла тушунадиган босқич ҳисобланади. Матнни тушуниш босқичма-босқич тушуниш характерига эгадир.

Айрим муаллифлар томонидан[2] матннинг иккитадан еттитагача бўлган мазмунини тушуниш босқичларини ажратишади. Бу босқичларнинг асосийлари қуйидагилар ҳисобланади: 1) алоҳида сўзлар, гаплар ва матн қисмларини тушуниш босқичи, яъни матнни қисман тушуниш босқичи; 2) матн тили ва унинг бирикмалари, маъноларини тушуниш босқичи, яъни маънолар босқичи; 3) матннинг мазмун томонини тушуниш босқичи, яъни мазмун босқичи. Тушунишнинг энг юқори босқичи мазмун босқичидаги тушуниш ҳисобланиб, матн асосида нима ётганлигини, муаллифнинг асосий ғояси нимада эканлигини тушунишни тақозо қилади.

Ўқиш психологияси билан боғлиқ бўлган масалалар ўқиш нутқ фаолияти сифатида шаклланишида методик ишни ташкил қилувчи ўқиш механизмлари ёки операцияларини аниқлаш имконини беради. Бу нарса тилнинг ёзув тизимини эгаллашни, ҳарф ва товуш ўртасида аниқ боғланиши (ассоциация)ни ишлаб чиқишни, сўзларнинг ўқиш қонунларини эгаллашни, уни маъно ва грам-

[1] Соколов А.Н. Теория стиля. – Москва: Издательство «Искусство», 1968.

[2] Ҳошимов Ў., Ёқубов И. Инглиз тили ўқитиш методикаси. – Тошкент: «Шарқ» нашриёти, 2003

матик шакл билан мувофиқлаштиришни, сўзларни сўз бирикмаси, гап ва матн билан бириктиришни ўз ичига олади. Бундан ташқари, матнни, унинг мазмунини тушуниш учун китобхонга матнни анализ (тахлил) ва синтез қилишнинг бир қатор операцияларини эгаллашга тўғри келади. Матннинг алоҳида қисмларини мувофиқ келтириш, мавзуи, асосий фактларини ғояга боғлаш, хулоса чиқариш, мазмунни баҳолаш, матн асосида ғояни тушуниш, матнни талқин қилиш каби ишларни ўзида акс эттиради. Ўқишни нутқ фаолиятининг тури сифатида таҳлил қилиш, ўқиш жараёнини ва уни ўргатишнинг мураккаб жараён эканлигини кўрсатади. Психологик тадқиқотларнинг гувоҳлик беришича, ўқиш пайтида кўриш, ёзув ва нутқ ҳаракат сезгилари ўртасида бевосита алоқа пайдо бўлади. Ўқишнинг психофизиологик механизми кўриш, ёзув ва нутқ ҳаракат сезгиларини ўз ичига олади. Уларнинг ўзаро бирга нутқ фаолиятида иштирок этиши ўқиш пайтида маълумот олишни таъминлайди.

Инглизча матнни ўқиб тушунишда иккита жараён содир бўлади: 1) қабул қилиш; 2) тушуниш. Иккаласида ҳам иккита сигнал тизими бор. Биринчи сигнал ҳаракатга предметларни таъсири натижасида, предмет қўзғатувчилар асосида қарашига тушади, иккинчи сигнал тизими сўз қўзғатувчилар асосида (сўзлар таъсир қилиб кузатиш асосида) ҳаракатга тушади. Шунинг асосида қабул қилиш биринчи сигнал тизими,тушуниш эса иккинчи сигнал тизимидир. Қабул қилиш ҳиссий бўлиб, сезиб тушунишдир, биринчи сигнал тизимининг чегараланган иш фаолиятидир, тушуниш эса онгли қабул қилишдир. Бу иккинчи сигнал тизимининг шартланган иш фаолиятидир. Иккинчи сигнал тизими фақатгина биринчи сигнал тизими асосида вазифаси (функцияси) ни бажара олади. Биринчи сигнал тизим эса иккинчи сигнал тизимисиз вазифасини бажара олади. Иккинчиси биринчисиз бажарилмайди. Бундан шу хулоса келиб чиқадики тушуниш қабул қилишсиз бўлмайди, қабул қилиш эса тушунишсиз бўлади. Психологик нуқтаи назардан матнни тўғри талаффуз қилиб мазмунни тушунмай ўқиш бу ўқиш эмасдир. Ўқиш малака кўникмаларини ҳосил қилиш, кўриш, қабул қилиш, талаффуз, тинглаш, тушуниш жараёнларини бир-бири билан тўғри чамбарчас боғлаб, бир жараён ҳосил қила олишдир.

Ўқишни ўргатишда учрайдиган икки турдаги қийинчиликларни ажратиш мумкин:

1. Экстралингвистик қийинчиликлар.
2. Лингвистик қийинчиликлар.

Экстралингвистик қийинчиликлар қуйидагилардан иборат: 1) Ўқиш ўтказилаётган шароит; 2) ўқиш тезлиги; 3) матн мазмуни ўқувчи ёки талаба ёшига мос келиши; 4) матн мазмуни қизиқ бўлиши; 5) матндаги тил материалларини олдиндан ишлаб чиқилган бўлишлиги; 6) ўқувчи, талабада олдиндан фаҳмлаш (антиципация) қобилиятини бўлишлиги; 7) нотаниш материалларни кўп ёки кам бўлишлиги. 8) матн мазмунининг таниш мамлакатлар ҳақида бўлишлиги.

Лингвистик қийинчиликлар *қуйидагилардан иборат*: 1) фонетик қийинчиликлар; 2) лексик қийинчиликлар; 3) грамматик қийинчиликлар; 4) мураккаб структуралар, оборотлар, конструкциялар; 5) тили ўрганилаётган мамлакатга хос исмлар, жой номлари, атамалар; 6) сўзларни, гапларни тўғри ўқий олиш, талаффуз қилиш.

Юқоридаги қийинчиликларни матнни ўқишдан олдин, ўқитувчи йўқотишга ҳаракат қилиши, ҳисобга олиши, олдиндан билиши зарур. Ўқитувчи ўқишни ўргатишга тайёрланаётганда, методик ташкил қилаётганда уларни ҳисобга олади.

Маълумки, ўқиш техникасига тўғри урғу, оҳанг билан ўқишни ўргатиш ҳам киради. Ўқитувчи унинг учун сўзларга урғу қўйдириб, устун-устун қилиб якка, жўр қилиб ўқиттиради. Оҳангни, ритмни ўргатиш учун эса намунавий гаплар олиниб, улардаги сўзларга урғулар, оҳангни ифодаловчи (кўтарилувчи, пасаювчи) белгилар қўйдирилади, тушунтириб якка, жўр қилиб, ўқитиб ўргатиш мумкин.

Уни қуйидагича кўрсатиш мумкин: *This' is a pen*. Сўнг ўқиш техникасини ўзлаштириш, мустаҳкамлаш учун машқлар ўтказилади. Ўқиш техникаси яна матнни ифодали ўқишни ўргатишни ҳам кўзда тутади. Ўқитувчи уни ўргатиши учун 5-6 синфларда матнларни ҳаммасини овоз чиқариб ўқитиб, ифодали ўқишга ўргатади. Ўқиш техникасига 5-6 синфларда асос солинади, ўргатилади.

Матндан маълумот олиш кўникмаларини ривожлантириш ва матннинг умумий мазмунини тушуниш мақсадларига қаратилган машқлар тузилади, ўтказилади. Текшириш

машқлари матнни ўқишдан олдин берилиши, ўқигандан кейин эса бажарилиши мумкин. Матнни ўқишдан олдин қуйидаги машқлар берилиши, ўқигандан сўнг бажарилиши мумкин.

1. Қўйилган саволларга жавоб беринг.
2. Матндан асосий фикр айтилган гапларни топинг.
3. Ўқитувчи гапни бошланишини айтади, кейин
4. ўқувчилар топиб ўқишади.
5. Берилган сўзни топиб ўқинг ва таржима қилинг.
6. Матн мазмунини ўзбек ёки инглиз тилида сўзланг каби машқлар.

Юқоридаги машқлар қуйи синф ўқувчиларига олдин берилгани маъқулдир, чунки уларда бевосита хотира ривожланган бўлади. Матнни ўқигандан кейин бериладиган ва ўтказиладиган машқлар.

1. Матн мазмунини она тилида ёки инглиз тилида сўзлаб беринг.
2. Саволларга инглиз тилида ёки она тилида жавоб беринг.
3. Ўқитувчи айтган фикрни тасдиқловчи гапни топинг.
4. Матндан нутқ вазиятини топинг.
5. Матнга сарлавҳа қўйинг.
6. Матнни сўзлашга режа тузинг.
7. Берилган гапларни ёки парчаларни таржима қилинг каби машқлар.

Ўқитувчи бу машқларни юқори синф ўқувчилари билан ўтказгани маъқулдир, чунки уларда давомли хотира ривожланган бўлади. Матн мазмунини сўзлатишдан асосий мақсад мазмунни тушунганликни текширишдир. Ҳар бир матннинг мазмунини ўқувчи, талабалар тушунганлигини текширишда матннинг осон ёки қийинлигига, ўқувчи, талаба кучига қараб юқоридаги ўқитувчи машқларидан биттасини танлайди. Ўқитувчи машқларни уйга оғзаки ёки ёзма бажаришга бериши мумкин. Ўқувчи, талаба матн мазмунини инглизча сўзласа, матннинг мазмунини тушунганликлари текширилади ҳамда инглизча сўзлаш, гапириш ривожлантирилади. Матнни инглизча гапиртириш, сўзлатиш матннинг осон ёки қийинлигига ўқувчи, талабани кучи етишига қараб танланади, лекин матнни инглизча гапиртириш мажбурий эмасдир. Матбуот материалларини ўқишга ўргатиш Матбуот материалларига рўзнома, ойнома мақолалари, радиода, телевизорда берилган инглиз тилидаги эшиттириш, кўрсатувлар киради. Ҳозирги пайтда нотаниш мазмунли матн устида ишлаш 4 та босқичга бўлинади:

1. Тайёрлов босқичи.
2. Матнни бевосита ўқиш босқичи.
3. Матнни ўқигандан кейинги босқич.
4. Ижодий босқич.

Биринчи босқичда матнда учрайдиган янги, нотаниш лексик ва грамматик материаллар таништирилади, киритилади, тушунтирилади. Шунинг учун бу босқич икки қисмга бўлинади: 1) лексик қисм; 2) грамматик қисм. Агарда матнда нотаниш янги сўзлар, грамматика учрамаса ҳам бу қисмлар ташлаб кетилмайди, эскилари ёдга туширилади.

Иккинчи босқичда бевосита матн ўқувчиларга ўқитилади. Уқиганни тушунишга ўргатилади. Матнни овоз чиқариб, чиқармай ўқиш иккинчи босқичда амалга оширилади.

Учинчи босқичда матнни ўқиб бўлгандан кейинги мазмунни тушунганликни текшириш турли машқлар орқали амалга оширилади. Матн мазмунини бошқа мавзуга кўчириш, мазмунни кенгайтириш ишлари бажарилади. Ўқувчилар билганларини қўшадилар, кенгайтирадилар.

Тўртинчи ижодий босқичда эса ўқувчи, талабалар матн мазмунига ўз фикр-мулоҳазаларини мустақил айтадилар, унинг тарбиявий томони тахлил қилинади, чуқурлаштирилади.

Хулоса ва тавсиялар.

Ўқиш кўникмасининг ривожланиши тил материалини ўзлаштириш билан бир пайтда содир бўлади. Ўқувчилар ўқишни нутқ фаолиятининг тури сифатида идрок қилишлари учун уни ўргатишда қуйидагиларга риоя қилишлари лозим:

1. Ўқиш учун шундай матнларни танлаш керакки, уларнинг далилий материалини ўқувчи, талаба ўқув фаолиятининг бошқа турларида қўллай олсин. Масалан, бошқа дарсларда, синфдан ташқари ишларда фойдалансин.
2. Ўқувчи, талабаларга матнларни ўқиш учун иложи борича кўпроқ матнларни танлаш имкониятини яратиш лозим. Масалан, кўрсатилган учта рўзнома мақоласидан бирини уйда ўқиб келиш учун вазифа қилиб бериш.

3. Ўқувчи, талабаларга ўз она тилида дуч келадиган вазифаларга ўхшаган топшириқлари бор матнларни ўқиш учун бериш керак. Масалан, матндан маълум маълумот олиш, матн ғоясини аниқпаш, матндаги айрим фактларни баҳолаш кабилар.

4. Янги матнда тил материаллари таниш, лекин мазмуни нотаниш бўлсин, у орқали ўқувчи янги маълумот олсин, дунёқарашини кенгайтирсин.

5. Янги матнни биринчи бўлиб ўқувчи, талаба ўқисин, чунки у матндаги ҳарф, ҳарф бирикмалари, сўзлари билан олдиндан таништирилган. Бу мустақил ўқишга ўргатади, акс ҳолда мустақил ўқиш ўрганилмайди.

6. Матнни сўзма-сўз таржима, яъни битта ган ўқиб таржима қилиш ва яна ўқиб таржима қилиш мумкин эмас. Бунда ўқувчи, талабани бир тилдан, иккинчи тилга ўтиши ва яна қайтадан инглиз тилида ўқиш,инглиз тилини ўрганишни секинлаштиради.

7. Матнни ўқитаётганда мумкин қадар кам она тилидан, таржимадан фойдаланиш лозим. Жуда зарур пайтда ундан фойдаланиш, ўқиб таржимасиз маълумот олишга ўргатиш лозим.

Юқорида айтиб ўтилган машқлар воситасида ўқувчилар инглиз тили ҳарфлари ни бир-биридан ва ўзбек тили ҳарфлардан фарқлашга, уларни тўғри ўқишга ўрганадилар. Бундай машқлар орқали матнда учрайдиган тил материаллари устида иш олиб борилади. Улар нотаниш матндаги қийинчиликларни бартараф қилишга ва унинг нотаниш мазмунини тушунишга ўқувчи, талабларни тайёрлайди. Матн мазмунини тушунишга ўқувчи, талабаларни тайёрлайди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармони.- https://lex.uz/docs/3107036

2. Jalolov J.J. Chet til o'qitish metodikasi. Chet tillar oliy o'quv yurtlari (fakultetlari) talabalari uchun darslik qayta ishlangan va to'ldirilgan 2 nashri. - Toshkent: O'quvchi, 2012. 432 b.

3. Sattarov T. Bo'lajak ingliz tili o'qituvchisining uslubiy omilkorligini shakllantirish texnologiyasi. - T.: 2003. – 215 b.

4. Маҳкамова Г.Т. Концепция формирования межкультурной компетенции студентов английского языка. - Ташкент: Фан, 2010. 208 с.

5. Risqulova K. Bo'lajak ingliz tili o'qituvchilari sotsiolingvistik kompetentligini shakllantirish tizimi. – DD. – T., 2017. – 9 b.

6. Erkaev Ye.T. Bo'lajak chet til muallimi ta'limida qo'llanadigan tarjima mas'hqlarining lingvodidaktik tasnifi. ND – T.: 2008.

7. Azizova F. Ingliz tili frazeologizmlarini o'rgatish metodikasi. - Toshkent, 2011. 72 b.

8. Ro'zmetova M.S'h. Umumiy o'rta ta'lim 57 sinf o'quvchilariga ingliz tilini o'qitishda kompetensiyalarni rivojlantirish texnologiyalar. Pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) ilmiy darajasini olish uchun tayyorlangan DDI. – 231 b.

9. Jumanazarov U.U. Ta'limni axborotlashtirish sharoitida bo'lajak ingliz tili o'qituvchilarining frazeologik kompetensiyasini rivojlantirish. Pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi. – T., 2019. – 352 b.

10. Жалолов Ж.Ж. Чет тили ўқитиш методикаси – Т.: O'qituvchi, 2012

11. Ҳошимов Ў., Ёқубов И. Инглиз тили ўқитиш методикаси. – Тошкент: «Шарқ» нашриёти, 2003.

12. Соколов А.Н. Теория стиля. – Москва: Издательство «Искусство», 1968.